# Косоний мақбараси мозийдан сўзлайди

***Ислом оламининг буюк намоёндаларидан бири Саййид Аҳмад Ибн Мавлоно Жамолиддин хожачи (Маҳдуми Аъзам) ҳижрий 868-949, милодий 1461-1542 йилларда яшаб, ўзидан бой адабий мерос қолдирган.***

Нақшбандия тариқатини XV асрнинг охири — XVI асрларда ривожлантирган ва такомиллаштирган етакчи назариётчи, мутафаккир, ахлоқшунос, файласуф ҳамда илоҳиётчи олим Косоний Аҳсикент (ҳозирги Наманган) вилоятининг Косон кентида таваллуд топган.

Косоний тариқат илмида фавқулоддаги муваффақиятлари туфайли "Маҳдуми Аъзам" унвонига сазовор бўлган. Маҳдуми Аъзамнинг шариат ва тариқат қоидаларига оид, ахлоқ ва илоҳият масалаларига доир ўттиздан ортиқ рисолалари бўлиб, мазкур китобларда Нақшбандия тариқати ривожлантирилган.

Мамлакатимизда мустақиллик тантана қилгач, унитилаётган қадриятларимиз, ана шундай буюк кишиларнинг номлари тиклана бошланди. 1993 йилда Косонсойнинг ўнг соҳилида ҳазрати Маҳдуми Аъзам туғилиб ўсган маҳаллада унга атаб мақбарага биринчи ғишт қўйилганди. Ҳашар билан бошланган савоб иш баъзи бир сабабларга кўра битмай қолганди. Ана шундай яхши ниятда бошланган ҳазрати Маҳдуми Аъзам мақбараси яқинда қуриб битказилди.

– Мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англаб етдик, – дейди косонсойлик хусусий тадбиркор Равшанхон Турдихўжаев. – Ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз ким эканлигини сўраб-суриштириш имкониятига эга бўлдик. Ҳазрати Маҳдуми Аъзам Косонийга маҳалладош бўлганлигимдан фахрланаман. Бу менда катта ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотади. Шу боис, буюк бобокалонларимиздан бири бўлмиш ҳазрати Маҳдуми Аъзам мажмуасини тезроқ битириш мақсадида қўлимдан келганича ўз ҳиссамни қўшдим.

Мақбаранинг биринчи қавати уч хонали музей бўлади. Косонсойнинг қадимги бой тарихи, ўтмиши ва бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар қўйилади. Мақбаранинг иккинчи қавати эса зиёратгоҳ бўлиб, ганчкорлик, наққошлик каби миллий услубда безатилган. Бу хона ҳазрати Маҳдуми Аъзамнинг рамзий қабри ҳисобланиб, у ерга Самарқанддан буюк бобокалонимизнинг муборак хоклари келтирилган.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

*Наманган вилояти*

# Эгасининг интизори

***Ғайратий домла Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби адабиётимиз устунлари билан ёнма-ён туриб ижод қилган, янги ўзбек адабиётининг бешигини тебратганлардан бири эди. У киши 1970-йилларда "Муштум" журналига тез-тез келиб турар, гоҳо кичикроқ бир ҳикоя ташлаб кетар, кўпинча бошидан ўтган қизиқ ҳангомаларни айтиб, завқимизни келтирарди.***

***Бу ҳикоятни ҳам Ғайратий муаллимдан эшитган эдим.***



Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасида Шоқосим деган ишчи бор эди. У Тошкент трамвай бошқармасида хизмат қиларди. Шоқосимнинг Интизор лақабли ити ҳам бор эди. Эгаси эрталаб ишга отланаётганда Интизор уни кўча эшикда пойлаб турар, Шоқосим кўриниши билан думини ликиллатиб йўл бошларди. Эгасини трамвай бекатигача кузатиб борар, вагонга киргач, аста уйига қайтарди.

Кечқурун Шоқосим ишдан қайтадиган пайтда Интизор уйдан чиқиб кетар, йўрғалаб бекатга борар ва эгасини кутиб ётарди. Шоқосим трамвайдан тушгач, Интизор гўё саломлашгандек, эгасининг оёқларини искаб қўяр ва тағин йўл бошлаб, уйигача кузатиб келарди.

Шу алпозда ҳафталар, ойлар ўтди. Интизор эгасини кузатиб, кутиб олишдан чарчамади. Бу орада уруш бошланди. Бирор йил Шоқосимга тегишмади. Кейин унга ҳам навбат келди.

Қариндош-уруғлар Шоқосимни кузатиб вокзалга жўнашди. Интизор ҳам

### Қатра

уларга эргашмоқчи эди, Шоқосим унамади. У вафодор итининг бошини силаб, хайрлашди:

– Сен уйда қол, Интизор, – деди у, – мен олисларга кетаяпман. Худо хоҳласа, бир кун омон-эсон қайтиб келаман. Шунда мени кутиб олгани чиқасан. Ҳозирча ҳовли-жойга кўз-қулоқ бўлиб ётатур, хўпми?

Интизор гўё эгасининг гапини тушунгандек бош эгиб, уйда қолди. Лекин у кундалик одатини тарк этмади. Ҳар куни кечга яқин трамвай бекатига бориб, эгасини кутади. Трамвайдан Шоқосимга ўхшаб кетадиган киши тушса, думини ликиллатиб, ёнига боради, бегона эканлигини кўриб, ҳафсаласи пир бўлади. Кеч киради, шом бўлади, Шоқосимнинг қораси кўринмайди. Интизор бирбир босиб, уйга қайтади. Қараса, эгаси уйда ҳам йўқ. Интизор тонг саҳардан кўчага чиқиб, эгасини кутади. Шоқосим кўринмайди. Интизор ҳайрон бўлади. Оқшом яна трамвай бекатига қараб кетади.

Соғинчу сарсонгарчилик билан Интизор бир йилни ўтказди. Охири ҳолдан тойди. Оёқларидан қувват кетди, илгариги ўйноқлиги қолмади. Кўзлари тез-тез ёшланиб, одамларга мўлтираб боқадиган бўлди.

Қаҳратон қиш келди. Совуқ авжига олди. Бир куни Интизор кечга яқин судралиб бекат томон кетди. Бориб, бир четда ётиб олди. Интиқ бўлиб, Шоқосимни кутди. Бироқ ундан номнишон йўқ эди. Интизор ётдиётди, бир маҳал кўзи илинди. Шу кўйи у кўзини очмади. Интизор совуқда музлаб ўлиб қолган эди.

**Саъдулла СИЁЕВ**

# Ҳавонинг авзойига қараб...

***Деҳқонлар ва чорвадорлар қадим замонлардан буён табиатда содир бўладиган ҳодисаларни кузатиб, об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан билишга одатланганлар. Об-ҳавонинг ўзгариши ўсимликларда қандай акс этиши мумкин?***

### Биласизми?

Буни халқимиз шундай изоҳлайди:

Қуриган дарахтни кесиб ёққанда яхши ёнмаса, яъни намиққан бўлса, ҳаво очиқ бўлади. Олма ва бошқа мевали дарахтлар иккинчи марта гулласа, куз яхши келади. Гуллар одатдагидан кўра кўпроқ ҳид таратса, ёмғир ёғади.

Агар ёзда дарахтларда сариқ барглар пайдо бўлса, куз эрта тушади. Кузда барглар тез тўкилса, қиш барвақт келади. Олча дарахтларининг барги тўкилмагунча, қор ёққан бўлса-да, ҳақиқий қиш келмайди.

Агар дарахтларнинг қуриган шохи тинч ҳавода синиб тушса, ёмғир ёғади.

Жониворларнинг об-ҳаво қандай бўлишини сезиш аломатлари ҳам бор. Масалан, асаларилар асал йиққани уясидан чиқмай қўйса, чумолилар ини атрофида кўринмай қолса, ҳаво айнийди. Чунки об-ҳавонинг тўсатдан ўзгариши натижасида бу жониворлар ҳалок бўлиши мумкин. Шу боисдан, ҳаёт учун кўп асрлик кураш жараёнида кўпчилик жониворларда, жумладан, асалари ва чумолиларда ҳам, об-ҳаводаги билинар-билинмас ўзгаришларга нисбатан ғоят нозик сезувчанлик қобилияти шаклланган.

Эрталаб туман тушса, ҳаво очилиб кетади. Кўп шудринг тушганда ҳам кундузи ҳаво очиқ бўлади.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**




Футбол

## "Пахтакор"да янги легионерлар

***Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони "Пахтакор" жамоаси келгуси йили Осиё Чемпионлар лигасида ўз кучини яна бир бор синаб кўради. Шу боис, Равшан Ҳайдаров таркибни кучайтириш чораларини ҳозирданоқ бошлаб юборган.***

"Пахтакор" футбол клуби расмий сайтининг хабар беришича, мамлакатнинг саккиз карра чемпиони таркибида янги икки нафар африкалик футболчилар пайдо бўлган. Клуб раҳбарлари жамоанинг асосий принциплари йўлидан бориб, ёш ҳамда умидли футболчиларни таклиф этишди. Улардан бири ганалик Тони Симмонс 18 ёшда бўлса, 19 ёшли марказий ҳимоячи Сулаймон Момоду эса Нигерия фуқароси ҳисобланади. Тони Симмонс марказий ярим ҳимоячи амплуасида тўп суради.

***Японияда бир ҳафта давом этган клублар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Дастлаб Япониянинг "Урава ред Даймондс" клуби ва Тунисининг "Этоле Спортиве ду Сахел" жамоалари ўртасидаги учрашув 3-ўрин соҳибини аниқлаб берди.***

## "Милан" – Жаҳон чемпиони!



Баҳснинг асосий вақти 2:2 ҳисоби билан якунланганидан кейин навбат пенальтилар сериясига берилди. "Лотерея баҳси"да японияликларнинг омади чопиб, 4:2 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бу ўйиндан кейин финалда Жанубий Америка ва Европа қитъалари вакиллари майдонга тушишди. "Милан" ва "Бока Хуниорс" жамоаларининг учрашуви давом этиб келаётган анъананинг бузилишига сабаб бўлди. Бундан олдинги мазкур чемпионатнинг финал баҳсларида доим Жанубий америкаликлар ғолиб чиқишаётганди. Карло Анчелотти футболчилари 4:2 ҳисобида ғалаба қозониб, "Милан" жамоасининг жаҳонда ҳам тенгсизлигини исботлашди.

Бокс

## Ишқибозлар Коттони танлашди

***Профессионал бокснинг яримўрта вазн чемпиони, WBA камари соҳиби Мигель Котто кетма-кет учинчи бор дунёнинг энг яхши боксчиси деган унвонга сазовор бўлди.***



Бундай эътирофга уни ҳар йили мунтазам ўтказиб келинадиган "Fox Sports Premios" шоу дастури лойиқ кўрди. Гап шундаки, мазкур кўрсатув телетомошабин ва ишқибозлар овози орқали турли спорт вакиллари, хусусан футбол, баскетбол, автопойга, теннис ҳамда бокс спортчиларини сарҳисоб қилиб келади.

– Мен учун ишқибозлар танлови алоҳида аҳамият касб этади. Бокс мураккаб спорт тури бўлиб, оғир меҳнат талаб қилади, – деб айтиб ўтган Котто унвон топшириш маросимида. – 2007 йил фаолиятимда унутилмас давр бўлиб қолади.

Ҳақиқатан ҳам Котто бу йили учта муҳим жанг ўтказди. Март ойида чемпионлик камарига даъвогар Октай Уркал, июнда экс-чемпион Заб Жуда ва ниҳоят уч йўналиш бўйича собиқ жаҳон чемпиони Шейн Мозли таслим этилди.

Хоккей

## Кубок Россияда қолди

***Хоккей бўйича Россия Биринчи канал Кубоги – Евротур мусобақасининг иккинчи босқичида ғолиб номи муддатидан олдин аниқланди. Унда Вячеслав Биков мураббийлигидаги Россия терма жамоаси асосий рақиби Чехия устидан 5:1 ҳисобида ишонарли ғалабага эришди.***



Уч ўйинда учта ғалабани қўлга киритган рус хоккейчилари мусобақа жадвалида биринчи ўринни нақд қилди. Россия – Чехия ўйинида муз саройи мезбонлари рақибларидан ҳар томонлама устун келди. Баҳснинг 2-дақиқасидаёқ Федор Федоров чехлар дарвозабони Лукаш Менсаторни "хафа" қилишга муваффақ бўлди. 9-дақиқада Алексей Морозов орадаги фарқни иккитага оширди. Иккинчи ва учинчи бўлимларда руслар яна учта гол уришди. Меҳмонлар бу голларга битта гол билан жавоб беришди, холос.

Турнирдаги сўнгги ўйин Финляндия ва Швеция жамоалари ўртасида ўтиши белгиланган.

**Суннатилла ИСЛОМОВ**


# Қадрли акциядор ва мижозларимиз, ҳурматли ҳамюртларимиз!



## АТ "Пахта Банк" Сизларни Қурбон ҳайити ва яқинлашиб келаётган Янги йил билан чин дилдан табриклайди! Янги йилда Сизга бахт-саодат, соғлиқ ва тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!

**Байрам арафасида "Пахта Банк" Сизга йиллик 30 фоизли "ИФТИХОР" жамғарма омонат турини таклиф этади. Маблағлар 1, 3, 6, 9, 12 ва 15 ойлик муддатга сақлаш шарти билан қабул қилинади. Бошланғич бадали 50 000 сўм.**

***Шошилинг, маблағлар жорий йилнинг 31 декабригача қабул қилинади.***

**Ўзингизга бир йилга татигулик совға қилинг!**

**"Пахта Банк" – фаровонлигингиз калитидир!**


***Тошкент тумани захира ер майдонлари таркибидаги собиқ "Ўзбекистон" ширкат хўжалигида жойлашган 45 гектар ер майдонида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун танлов ўтказилади. Танлов 2008 йил 18 январь куни соат 15.00 да Тошкент тумани ҳокимияти кичик мажлислар залида ўтказилади.***

Танловда иштирок этишни хоҳловчи талабгорлардан аризалар 2008 йил 8 январгача қабул қилинади.

**Тошкент тумани комиссияси**

Холбаева Манзурахон Тураевна Наманган вилояти Норин тумани Ҳаққулобод шаҳри Ўзбекистон кўчаси 60-уйда жойлашган "Норин туман МТП" ОАЖнинг 18366 дона 50 фоиз эгаси ёзилган оддий накдсиз акцияларини сотиб олиш хоҳиши борлигини маълум қилади.

Хусусий тадбиркор Азизов Муҳаммадамин Ботиржонович (Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани)га тегишли 2007 йил 3 августда берилган № 0905887-рақамли патент йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


# Автотранспорт – кредит ва лизингга!




РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ – AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади.

**Ҳақ тўлаш исталган усулда!**

**700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.**
**Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.**
**Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.**
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган


Республика акциядорлик-тижорат банки "Ғаллабанк" жамоаси банк ходими Йўлдошбой Эргашевга акаси **Акром ЭРГАШЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси жамоаси Давлат комиссиясига қарашли "Миришкор" Давлат нав синаш участкаси бошлиғи Худойқул Шомирзаевга волидаи муҳтарамаси **Турдихон ая НИЁЗКУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Ўктам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Қабулхона -136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-54-44, 133-28-04, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-28-04, 133-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:** Қорақалпоғистон Республикаси – 585-12-17, 223-57-53; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий – 224-69-08; Наманган – 412-34-23; Фарғона – 224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сурхондарё – 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 726-35-81; Қашқадарё – 227-65-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. Ⓣ -тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган. | Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади. E-mail: kishlokhayoti@mail.ru | Буюртма Г-1118, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 23.40 Адади - 13178 | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 6